

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ҲАМДА РАҲБАР КАДРЛАР МАСАЛАСИНИНГ ТАРИХИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

А.А.Юлдашев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Наманган муҳандислик-технология институти

Таянч сўзлар: давлат, бошқарув, раҳбар, республика, монархия, демократия, нодемократия.

Ключевые слова: государство, управление, руководитель, республика, монархия, демократия, антидемократия.

Key words: state, government, leader, republic, monarchy, democracy, anti-democracy.

Инсоният тарихида илк давлатлар пайдо бўлгандан то ҳозирги даврга қадар давлат ва жамиятларни бошқариш, таркибий шакллантириш, тартибга солиш, тўғри ва тенг сиёсатни олиб бориш ҳамда кадрлар масаласи алоҳида эътибор марказида бўлган. Давлат ва жамиятни бошқариш, халқни ягона мақсад йўлида бирлаштирган ҳолда ҳаракатлантириш масаласи ўтган давлар мобайнида ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Бу соҳа тадқиқотчи ва олимлар томонидан доимо ўрганилиб, улар давлат, давлат бошқаруви ва раҳбар тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ёритиб келганлар.

Давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожда ҳукмдорнинг тутган роли, мамлакатни одилонга бошқариш усуллари масаласида қадимдан турли қараш ва ёндашувлар мавжуд. Давлатчилик тарихи инсоният цивилизациясининг сўнгги беш минг йиллиги билан боғланиб, илк давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари – деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик ривожланган ҳудудларда пайдо бўлган[11:9]. Илк давлатчиликнинг тарихий илдизлари фақат ички сабабларгагина боғлиқ бўлмай, балки тарихий-маданий муносабатларнинг юксак даражада ривожланганлигига ҳам боғлиқ бўлган.

Бошқарув ўзига хос ижтимоий жараён бўлиб, у инсонларнинг тафаккур доираси, билим даражаси ёки характери хисобга олган ҳолда ёндашувни талаб этади. Ўз навбатида, бошқарув одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш қонуниятларини, уларнинг ҳуққ-атворини, ҳатти ҳаракатини тушуниш ва англашда чуқур билимга эга бўлишни доимо изланишда бўлишни талаб этади.

Қадимги Шарқ алломалари давлат бошқаруви ҳамда раҳбарликнинг хусусиятлари ҳақида ўз қарашларини, тавсия ва таклифларини мерос қилиб қолдирганлар. Уйғониш даври мутафаккири Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида жамиятни бошқаришда шаҳар ҳокими ўн иккита ҳислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур деб ҳисоблайди[2:159]. Агар барча ҳислатларга эга одам топилмаса, шу ҳислатларга эга одамлар гуруҳи бирлашиб, шаҳарга ҳокимлик қилиши лозим дейди. Раҳбарлар фуқароларнинг бахтга етиш йўлидаги хайрли ишларнинг моҳиятини англаши ва уларни рўёбга чиқариш воситаларини билиши керак, деб таъкидлаб ўтади.

Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” асарида давлат бошқаруви санъати, раҳбарлик масъулияти ва маҳорати каби масалаларга эътибор қаратган. Унинг фикрича, давлатни бошқаришда раҳбар кенгаш, машварату маслаҳат, қатъий қарор, тadbиркорлик ва эҳтиёткорликка алоҳида аҳамият бериши керак. Шу сабабли, Амир Темур вақти-вақти билан олимлар, файласуфлар, ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳаддислар, амирлар, вазирлар, донгдор санъат намояндalари, турфа касб-ҳунар эгалари билан учрашувлар ўтказиб, улар билан давлат ва жамият бошқарувидаги масалаларни маслаҳатлашиб турган.

Айниқса, давлат бошқарувидаги кўп масалаларни ўз пирлари Шамсиддин Кулол, Саййид Барака, Зайниддин Абубакр Тойбодийлар билан маслаҳатлашган. Амир Темурнинг фикрича, ҳеч бир мансабдор ўзига қўйилган талаблар даражасида мукаммал фаолият юрита олмайди. Мансабдор ўз касбий маҳоратини ўз фаолиятида дуч келадиган хилма-хил ташвиш-муаммолар, чигалликларни ечиш давомида ошириб боради, бунинг учун эса, узок вақт талаб этилади [3:196].

Ҳар бир давлат такрорланмас ижтимоий ҳодиса бўлиб, у тегишли халқларнинг тарихий тараққиёти ва маънавий-маданий ривожланишининг натижаси ҳисобланади. Турли тараққиёт босқичларида давлатлар шаклланиб, ривожланиб ва ўзгариб келган. Давлатни шаклий жиҳатдан ўрганиш, аввало, давлат тузилиши, таркибий қисмлари ва ички структураси, шунингдек, давлат ҳокимиятини ўрнатиш ва амалга оширишнинг асосий усуллари аниқлашни назарда тутди. Тарихий шарт-шароитлар, ижтимоий тузумлар, табиий иқлим, ташқи муҳит, аҳолининг ижтимоий таркиби ва сиёсий курашлар давлатларнинг ташкил этиш шакллари тақомиллашувига таъсир кўрсатиб келган. Давлатлар бир-биридан бошқаруви, таркибий тузилиши, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари қараб фарқланади.

Давлат бошқаруви – давлат ҳокимияти ва бошқарувни тузиш ҳамда ташкил этишнинг муайян тартиби бўлиб[9:7], у давлат ва жамиятни тегишли институтлар орқали бошқариш, инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатлараро муносабатларни тартибга солиш, диний бағрикенглик билан аҳолининг барча қатламларини бирлаштириш орқали уларни ягона мақсад сари ҳаракатлантиради. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятини ошириш йўлида изчил ислохотларни амалиётга татбиқ этади. Давлат бошқарувидаги бу ишлар давлат ва нодавлат институтларга таянган ҳолда амалга оширилади.

“Давлат бошқаруви”ни давлатнинг жамиятда тутган ўрни ва ролидан келиб чиққан ҳолда, бошқарувни амалга оширувчи институт, унинг мақсад ва вазифалари, йўналишлари мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин [6:18]. Давлат бошқаруви жамоат ташкилотларининг алоқаларини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятларининг фаолиятини қамраб олади. Шунингдек, жамиятдаги аъзоларнинг биргаликдаги ҳаракатларини ташкил этган ҳолда, уларнинг яхлитлигини, бир-бирига мослигини ва тартиб-интизомини таъминлайди.

Давлат тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини англашда давлат бошқаруви шакли алоҳида аҳамият касб этади. Бошқарув шакли давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тизимини англатади. Давлат бошқарувининг монархия (юн. “monarchia” – яқка ҳокимлик) [10:314] ва бошқарувининг республика (лот. “res publica” – жамоат иши, умумхалқ иши) [10:383] шакллари мавжуд. Улар ҳам ўз нафатида

гурухларга ажратилган. Масалан, монархиянинг мутлок, конституциявий ва теократик шакллари мавжуд. Республиканинг эса, президентлик, парламентар ва аралаш шакллари мавжуд [1].

Бошқарув шакллари ҳар бир давлатларнинг тарихий қадрият ва анъаналари, минтақавий шарт-шароитлари ҳамда фуқароларининг сиёсий дунёқараши асосида шакллантирилади. Бошқарувнинг қандай шакли амалда бўлишидан қатъий назар, у ерда қонун устуворлиги таъминланган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинган ҳамда уларни эркин яшаши учун муносиб шарт-шароитлар яратилган бўлиши муҳим ҳисобланади. Бу албатта, давлат бошқарувида “сиёсий режим” билан боғлиқ бўлиб, ҳокимиятни амалга оширишда фойдаланиладиган тартиб ва усулларга алоқадор бўлади.

Бошқарувнинг сиёсий режими аҳолининг манфаатлари ҳисобга олинishiга қараб демократик ва нодемократик турларга бўлинади. Нодемократик режимда демократик принцип ва қоидалар тан олинмайди. Бу режим ҳам ўз навбатида тоталитар, фашистик ва автократик кўринишларда учрайди. Тоталитар режимда кўп партиявийлик тизими рад этилиб, жамиятда яқка партия етакчи куч ҳисобланади. Хукмрон партия давлат органларини назорат қилиб туради ва сиёсий плюрализмга йўл қўймайди. Партия етакчиси давлат раҳбари ҳисобланади. Фашистик режим тоталитар тузумнинг авж олган шакли бўлиб, унда миллатчилик мафкурасига таянган ҳолда, инсонларнинг миллати ёки ирқига қараб ҳуқуқ ва бурчлари белгиланади. Автократик режимда эса, фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланган ёки умуман белгиланмаган, мамлакатни бошқариш яқка бир шахсда ёки маълум бир табақа вакиллари қўлида бўлади [7:96-98].

Демократик режимда инсонларнинг тенглиги ва эркинлиги тан олинади, фуқаролар турли жамоат ташкилотлари ёки сайловларда қатнашиш орқали давлат бошқарувида иштирок этадилар. Демократик режимнинг вакиллик демократияси ва бевосита демократия турлари мавжуд бўлиб, вакиллик демократиясида халқ ўзи сайлаган депутатлари орқали давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилиш ва қарорлар қабул қилишда иштирок этади. Бевосита демократияда эса, давлат бошқарувида халқнинг бевосита иштироки таъминланади, яъни давлат аҳамиятига молик масалалар референдум шаклида ҳал этилади [7:98-99].

Давлат бошқарувида раҳбарлик масаласи муҳим саналади. Бунда давлатни қайси раҳбар бошқаради, қандай бошқаради деган саволларга кўплаб жавоблар топиш мумкин. “Раҳбар” сўзи форсча сўздан олинган бўлиб, йўлбошчи, йўл бошловчи (кўрсатувчи), бошлиқ маъноларини англатади [8:362]. Раҳбар белгиланган қонуний ва ҳуқуқий меъёрлар асосида фаолият юритиб, ташкилот ёки идоранинг самарали фаолияти унинг тафаккури, ақл-идрокига боғлиқ бўлади.

Раҳбар ўз қобилияти, истеъдодини ишга солиб изланади, шу мақсадда ҳаётни, одамларни чуқур ўрганади. Натижада тўплаган билимлари, тажрибаларини бошқарувнинг умумий қонуниятлари асосида шакллантириб ўзининг раҳбарлик усулини яратади. У ўз бошқарув усулларини шакллантиришда мутлақо эркин шахсдир, аммо унинг раҳбарлик усули ижобий натижа бериши керак [5:5]. Олимлар раҳбарлик фаолиятини авторитар, демократик, либерал каби учта

услубга ажратганлар [4:34-35].

Авторитар услубда ходимлар фақат раҳбар томонидан берилган вазифаларни бажарадилар ва улар ўзлари манфаатдор бўлган бир томонлама маълумотга эга бўлади. Бу услубдан кўпроқ ҳарбийлар фойдаланади. Бунинг афзал томони бўйсунувчиларга таъсир этишни марказлашган ҳолда олиб борилишида кўринади ва таъсир кўрсатишга осон эришилади.

Раҳбарликнинг демократик услубида қарорлар қабул қилиш, уларни ҳал этишда ходимларни кенг жалб қилиш билан фарқланади ҳамда бошқарувда мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг жамоавий шаклларида кўпроқ фойдаланилади. Раҳбар ваколатларининг баъзилари қўл остидагиларга ўтказиб берилади. Бу услубда ходимлар ўз фаолиятининг келажаги ва ривожига тўғрисида керакли маълумотлар ҳамда зарур ахборотларга эга бўлади. Бу услубнинг афзаллиги ходимлар ташаббускорлиги ва ўз фаолиятдан рози бўлишида кўринади.

Раҳбарликнинг либерал услуби раҳбарнинг жамоа аъзоларининг ишларига кам даражада аралашуви билан фарқланади. Раҳбар жамоа аъзолари орасида воситачи ролини бажаради. Ходимларнинг самарали фаолият олиб бориши учун уларни керакли маълумотлар билан таъминлаб боради. Бундай вазиятларда жамоа аъзолари ўз ишларини аниқ режалаштирган ҳолда ташкил этадилар ва раҳбарга фақат керакли вазиятлардагина мурожаат қиладилар.

Мутахассисларнинг фикрича, амалда аниқ бир услуб соф ҳолда қўлланилмай, кўп ҳолларда бир неча услублар йиғиндисидан фойдаланилади. Фаол раҳбар онгли равишда муайян услубнинг ижобий томонларидан фойдаланишга, салбий томонларини бартараф этишга ҳаракат қилади [4:35].

Шуни қайд этиш лозимки, бошқарув тизимидаги раҳбар кадрлар ўз вазифаларини амалга оширишда бурч ва мажбуриятга эга бўлиш билан бирга, муносиб ваколатга ҳам эга бўлишлари лозим. Бошқарувда мажбурият билан ваколат ўртасидаги мувозанатни тенг бўлишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Албатта, бу демократик принциплар билан бирга, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланишига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Белгиланган мажбурият ва вазифалар, берилган ваколатларни муносиб тақсимланишида раҳбар ҳам юксак даражада ишбилармон, маънавий-ахлоқий етук, жамоада бирдамликни таъминлайдиган, келажакни кўра оладиган, иқтисодий билимларга эга, тартиб-қоидага риоя этадиган, масъулиятни тўлиқ ҳис қиладиган ҳамда ўзгаришларга тез мослаша оладиган бўлиши лозим. Шу билан бирга, раҳбар ходим турли вазиятларда ўзини хотиржам тутган ҳолда ишонч билан ташкилотчиликни қўлга олиб ҳаракат қилиши керак. Раҳбар маслаҳат бериш билан бирга ходимларни тинглай олиши ҳам лозим. Ходимларнинг билим ва қобилиятига тўғри баҳо бериб, уларни эгаллаб турган лавозимига муносиблигини аниқлай олиши зарур. Чунки, амалга оширилаётган ишлар, ислохотлар жараёни, маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги биринчи навбатда раҳбарга боғлиқ ҳисобланади. Раҳбарларнинг фаолияти тегишли комиссия, аттестация каби махсус тузилмалар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан назорат қилиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат, бошқарув ва раҳбарлик тушунчалари узоқ ўтмишга бориб тақалиб, инсониятнинг давлатчилик тарихи давомида бу

тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва қамрови тобора кенгайиб борди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган бу тушунчалар, жамиятни мувофиқлаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, тартибга солиш, ижтимоий муҳитни сақлаш ва ривожлантиришда асосий омилларга айланди. Жамиятни ўз қонун-қоидаларига кўра идора қиладиган,

турли тип ва шакллардан ташкил топган – “давлат” атамаси ҳамма замонларда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмади. Давлат, бошқарув ва раҳбарлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини кенгайиб, функцияларини такомиллашиб бориши ҳамда уларга оид қарашларни ривожланиши давлат ва жамият, раҳбар ва бошқарувга оид билимларни кенгайишига хизмат қилди.

Адабиётлар

1. <https://ru.m.wikipedia.org>.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: “А.Қодирий номидаги Халқ мероси”, 1993.
3. Амир Темур Кўрагон. Темур тузуклари. –Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2014.
4. Ахмедов Х. Ислоҳ Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2008.
5. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007.
6. Куранбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (Сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: 2008.
7. Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: “Адолат”, 2018.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III жилд. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
9. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
10. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Тошкент: “Адолат”, 2009.
11. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2012.

РЕЗЮМЕ

Мақолада давлат, бошқарув ва раҳбарлик тушунчалари ва уларнинг мазмун-моҳияти, жамиятни мувофиқлаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, тартибга солиш, ижтимоий муҳитни сақлаш ва ривожлантиришдаги ўрни ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещена роль понятий государства, управления и руководство в координации, организации, контроле, регулировании общества, в охране и развитии социальной среды.

SUMMARY

In this article stressed about the concepts of state, governance and leadership and their content, their role in the coordination, organization, control, regulation, preservation and development of the social environment.